



ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ЖАРАЁНИДА К.Г.ПАУСТОВСКИЙНИНГ “ЭСКИ ҚАЙИҚ” ("OLD BOAT") АСАРИНИ ЎРГАНИШ ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРДА ИЖТИМОЙ-КОММУНИКАТИВ ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ (ИНГЛИЗ ТИЛИ МИСОЛИДА)

Кунназарова Гульнар Илесбаевна

Ажиниёз номидаги Нукус ДПИ мустақил тадқиқотчиси,
Ўзбекистон, kunnazarovagulnar@gmail.com
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7445346>

ARTICLE INFO

Received: 06th December 2022

Accepted: 16th December 2022

Online: 16th December 2022

KEY WORDS

Тарбиявий иш,
К.Г.Паустовский,
К.Г.Паустовскийнинг “Эски қайиқ” (“Old boat”) асари,
талабалар, ижтимоий-коммуникатив фаоллик,
ижтимоий-коммуникатив фаолликни ошириш.

ABSTRACT

Аксарият бадиий асарлар мазмуниан ижтимоий муаммоларни ёритишга хизмат қилади. Ана шундай асарлардан бири – К.Г.Паустовскийнинг “Эски қайиқ” (“Old boat”) асари саналади. Асарда бугунги кун учун ҳам долзарб бўлган ижтимоий муаммо – ўрмонларни сақлаб қолиш масаласи ёритилган. Асарни ўрганиш орқали талабаларда ўрмонларни сақлаб қолишга нисбатан масъулият ҳисси қарор топади. Тенгдошлари билан ўзаро ҳамкорликда асар моҳиятини таҳлил қилиш, бадиий ғоя ва унинг ечими юзасидан шахсий муносабатни баён қилишдан иборат мулоқот жараёнини инглиз тилида ташкил этиш эса талабаларда коммуникатив фаолликни оширишга хизмат қилади. Мақолада ана шу хусусида сўз юритилади.

Ҳар қандай таълим ва тарбия жараёнининг самарали кечиши педагог томонидан методиканинг тўғри танланиши ёки янги муаллифлик методикасининг пухта шакллантирилишига боғлиқ. Мазкур талаб маънавий-маърифий ишлар жараёнида инглиз тили мисолида бадиий адабиётлар воситасида талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини оширишга йўналтирилган илмий-педагогик тадқиқотни амалга ошириш чоғида ҳам инobatга олинди.

Маънавий-маърифий ишлар жараёнида ташкил этиладиган тадбирлар ўқув машғулотларидан фарқ қилиши, “таълим оловчиларнинг ўзларига

кўпроқ эркинлик берилиши – маърузалар билан чиқиш қилиш, мавжуд тажрибаларини намойиш этиш ва бошқа имкониятларга эга бўлиши керак. Тадбирни шундай ташкил қилиш керакки, талабаларда қизиқишни кучайтириш учун ўйин, беллашув элементларидан фойдаланиш лозим” [4, 22].

Маънавий-маърифий ишлар жараёнида инглиз тили мисолида бадиий адабиётлар воситасида талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини ошириш муаммосининг ижобий ечимини таъминлашга хизмат қиладиган методикани танлаш ёки муаллифлик методикасини шакллантиришда: маънавий-маърифий



ишларни самарали ташкил қилиш; инглиз тили таълимини оптималлаштириш; бадиий адабиётлар воситасида тарбия жараёнини ташкил қилиш; талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини ошириш каби йўналишларда олиб борилган илмий-педагогик тадқиқотларда қўлланилган анъанавий ҳамда инновацион методлар тўғрисида маълумотларни ўрганишга эътибор қаратилди.

Сўнгра аниқланган методларнинг дидактик имконияти таҳлил қилинган ҳолда уларнинг маънавий-маърифий ишлар амалиётига мослиги, кутилган натижадорликка эришиш имконияти баҳоланди. Мазкур жараёнда танланган методлар маънавий-маърифий ишлар жараёнида инглиз тили мисолида бадиий адабиётлар воситасида талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини оширишга қаратилган илмий-педагогик фаолиятда қўллаш учун мослаштирилди. Шакллантирувчи тажриба даврида тадқиқот муаммосини ҳал қилишга қаратилган педагогик фаолият учун мослаштирилган методлар амалиётга бевосита татбиқ қилинди. Қуйида мазкур жараённинг моҳияти К.Г.Паустовскийнинг “Эски қайиқ” (“Old boat”) асари асосида ташкил қилинган “Фуқаролик бурчи” номли ижодий лойиҳа асосида очиб берилди.

Тадбир номи: Фуқаролик бурчи.

Тадбир учун асос бўлган бадиий асар: К.Г.Паустовскийнинг “Эски қайиқ” (“Old boat”) асари.

Тадбир шакли: ижодий лойиҳа.

Тадбирни ташкил этишдан кўзланган мақсад: респондент-талабаларда ўрганилган бадиий асар юзасидан мустақил равишда инглиз тилида ижодий характердаги аннотацияни тайёрлаш малакаларини ривожлантириш.

Тадбирни ташкил қилиш жараёнида ҳал қилинадиган педагогик вазифалар:

1. Респондент-талабаларга рус ёзувчиси Г.К.Паустовскийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида қисқача маълумот бериш.
 2. Рус ёзувчиси Г.К.Паустовскийнинг “Эски қайиқ” (“Old boat”) асарини респондент-талабалар билан ҳамкорликда мутолаа қилиш.
 3. Мутолаа қилинган бадиий асар юзасидан блиц-сўров ўтказиш.
 4. Кичик гуруҳларда Г.К.Паустовскийнинг “Эски қайиқ” (“Old boat”) асари асосида ижодий характердаги аннотация тайёрлаш.
 5. Лидерлар томонидан кичик гуруҳларда тайёрланган аннотацияларни тадбир иштирокчиларига тақдим қилиш.
 6. Тадбир иштирокчилари томонидан энг яхши аннотацияларни аниқлаш.
 7. Ғолиб кичик гуруҳларни тақдирлаш.
- Тадбирда қўлланилган методлар: Г.К.Паустовскийнинг портрети, маълумот тақдим қилиш, китоб (асарни) мутолаа қилиш, блиц-сўров, ижодий иш, тақдимот, баҳолаш.
- Тадбир воситалари: плакат, иш қоғози, Г.К.Паустовскийнинг “Эски қайиқ” (“Old boat”) асарининг компьютерда кўпайтирилган нусхаси.
- Тадбир босқичлари:
- 1-босқич.* Респондент-талабаларга рус ёзувчиси Г.К.Паустовскийнинг ҳаёти ва ижодига оид қисқача маълумот [5; 6] берилди (бу ўринда ёзувчининг ҳаёти ва ижодига оид маълумот тўлиқ келтирилмади).
- 2-босқич.* Рус ёзувчиси Г.К.Паустовскийнинг “Эски қайиқ” (“Old boat”) асарини респондент-талабалар билан ҳамкорликда мутолаа қилиш. Тажриба-синов ишида респондент-талабаларга асар ўзбек тили [3]да тақдим қилинди. Тадбир жараёнида жами респондент-талабалар учта кичик гуруҳга бириктирилди. Кичик гуруҳларнинг ҳар биридани гуруҳнинг танлови асосида 5



нафардан умумий ҳисобда 15 нафар талаба танлаб олинди.

Асарнинг умумий матни ҳам ажратиб олинган респондент-талабаларнинг сонига тенг миқдорда 15 қисмга ажратилди. Шунда ҳар бир талаба томонидан мутолаа қилинадиган матн ҳажми 0,5 бетга тенг бўлиб, мутолаа жамоавий тинглаш асосида амалга оширилди.

3-босқич. Мутолаа қилинган бадиий асар юзасидан блиц-сўров ўтказиш. Танланган асар матни кичик гуруҳларнинг белгиланган вакиллари томонидан тўлиқ ўқиб чиқилгач, респондент-талабалар ўртасида блиц-сўров ташкил қилинди. Ҳар бир кичик гуруҳ учун блиц-сўров саволлари ўқитувчи томонидан аввалдан шакллантирилди.

Кичик гуруҳларга саволларни тақдим қилишдан аввал “Блиц-сўров” методи ва у билан ишлаш тўғрисида маълумотлар бериб ўтилди.

“Блиц-сўров” (инглизча “блиц” – тезкор, бир зумда) “мини саволлардан иборат” [1] бу метод “саволларга қисқа, аниқ, лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этади” [7, 43-б.]. Ушбу методга кўра, одатда, “саволлар тезкор берилади” ва жавоблар ҳам тезкор олинади. Талаба саволни эшитгач, ўйланиб турмаслиги керак. Мазкур методнинг бошқа методлардан фарқи жиҳати ҳам тезкор баён қилинган саволларга жавобларни тезкор баён қилишда кўзга ташланади. Бунинг учун ўқитувчи саволларни тезкор ифодалашга мўлжаллаган ҳолда шакллантириши зарур. Жавобларни қайтаришда ҳам “уларнинг” тавсифига кўп вақт ажратилмаслик” [1] талаб қилинади.

“Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли

машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, талабаларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади” [7, 43-б.].

“Блиц-сўров” методи талабаларда “материал бўйича тезкор йўналиш олиш, фикрни тўғри ифодалаш малакасини ривожлантиради. Шунингдек, жамоада ишлаш кўникмасини шакллантиради” [1].

Педагогларни қайд этишича, муайян материални ўрганишда блиц-сўров методидан “уч марта кам бўлмаган ҳолда фойдаланиш мумкин. Зеро, шунда хотира хилма-хил турларидан кўп марта фойдаланилади.

Амалиётнинг кўрсатишича, бу тарзда йўл тутиш материални пухта ўзлаштириш учун етарли бўлади” [2].

“Блиц-сўров” методи асосида саволлар шакллантирилганда вақтни тежаш мақсадида “нима?”, “қачон?”, “қандай?”, “нима учун?”, “нега?”, “қаерда?”, “ким?”, “нима?” каби сўроқ сўзлар ҳамда сўроқ белгиси ишлатилмайди. Воқеа, ҳодиса, ҳолат ёки предметни ифодаловчи таянч тушунчалар баён қилади, бироқ, фикрнинг тўлиқ ифодаланиши учун зарур, жавоб, ечимнинг асоси бўлган далил (фикр) айтилмайди.

Шакллантирувчи тажриба даврида Г.К.Паустовскийнинг “Эски қайиқ” асари асосида блиц-саволлар педагогик талабга мувофиқ, яъни, “тезкор савол – тезкор жавоб” тамойили асосида шакллантирилди.

Блиц-сўров учун қуйидаги саволлар танланди:

For the first group

1. The train stopped, not at the station, but –
2. The path ahead –
3. The name of the lake –
4. Flying to the sky –
5. Grandfather Vasily brought to the station –
6. The forester read poetry –
7. Forests ate –
8. Natasha sat down –



For the second group

1. Let's go –
2. Natasha live –
3. Flashed along the windows –
4. Natasha drank –
5. The path for two kilometers –
6. Natasha listened –
7. Lake water –
8. Pass my suitcase –

For the third group

1. Natasha woke up –
2. Grandfather lit –
3. There was on the shore –
4. Grandfather sat down –
5. The main thing is that the heart should be –
6. Lost –
7. A wide rainbow stood –
8. The locomotive farewell –

Илмий-педагогик тажрибанинг асосий амалий босқичида респондент-талабалар ўрганилган асар юзасидан блиц-саволларга фаол жавоб қайтарди.

“Блиц-сўров” саволларининг жавоблари:

Answers of the first group

1. The train stopped, not at the station, but – on the way.
2. The path ahead – is blurry.
3. The name of the lake – is Synezerki.
4. Flying to the sky – wild pigeons.
5. Grandfather Vasily brought to the station – firewood.
6. The forester read poetry – from Lucretius.
7. Forests ate – a caterpillar.
8. Natasha sat down – on the old boat.

Answers of the second group

1. Let's go – to the duty officer.
2. Natasha live – in the city.
3. Flashed along the windows – lightning.
4. Drank milk – Natasha.
5. The path for two kilometers – is blurry.
6. Natasha listened – grandfather's complaints.
7. Lake water – is with silver water.
8. Pass my suitcase – to grandfather.

Answers of the third group

1. Natasha woke up – very early.
2. Grandfather lit – a tin kerosene lamp.

3. There was on the shore – an old boat.
4. Grandfather sat down – on the sand near the old boat.
5. The main thing is that the heart should be – in good condition.
6. Lost – the forest.
7. A wide rainbow stood – over the forests.
8. The locomotive farewell – shouted.

IV босқич. Кичик гуруҳларга Г.К.Паустовскийнинг “Эски қайиқ” (“Old boat”) асари асосида ижодий характердаги аннотацияни тайёрлаш вазифаси топширилди. Талабалар аввалги учта кичик гуруҳда ишлади, шу сабабли гуруҳ томонидан битта аннотациянинг тайёрланиши мақсадга мувофиқ деб топилди. Респондентларнинг ижодий фаолияти учун 5 дақиқа вақт ажратилди.

V босқич. Лидерларнинг кичик гуруҳларда тайёрланган аннотацияларни тадбир иштирокчиларига тақдим қилиши. Белгиланган вақт якунига етгач, кичик гуруҳларнинг ижод намунаси бўлган аннотация бир нафар вакил томонидан жамоага ўқиб эшиттирилди.

Бу ўринда кичик гуруҳлар томонидан тақдим қилинган аннотациялардан намуналар келтирилади (намуналар тажриба майдони бўлган Ажиниёз номидаги Нукус ДПИдан синов ишига жалб қилинган респондент-талабалар ижодидан олинди):

Group 1

The companions are travelling by train to the Crimea for a vacation. A forest officer Petr Matveev is with them. Suddenly the train stopped. The road ahead was washed away by the rain.

An old man, Vasily, was crossing the road in a cart. He suddenly recognized a forester staring out of the train window. He approached him, complained, and asked him to help. The pines were covered with caterpillars. That is why the forest was disappearing. At the old man's urging and Natasha's encouragement, the forester agreed to see the pines. The condition of



the forest made Petr Matveev stay there ...
This is the plot of the story.

Group 2

A random meeting of Vasily and a forester Petr Matveev is the basis of artistic reality. The forester learned about the situation from Vasily. He decided to investigate the situation at the request of the old man. The situation was deplorable - the forest was disappearing. Petr Mateev cancelled his travel and "decided to save" the forest. His decision and the fate of the old boat on the shore of the lake were harmonized. What they do is of benefit for nature. The story informs the reader about this.

Group 3

The plot of the work is based on the relationship between a traveling forest worker (Petr Matveev), a forester who meets him by chance (Vasily), and a girl (Natasha) who encourages the employee to investigate the situation in the forest. Petr Matveev's decision to "save" the forest is an artistic solution. The artistic mean is an old boat. Both the condition of the old boat and the work of the forester are beneficial to nature. The story is about that.

Ҳар бир гуруҳнинг иши ўқиб эшиттирилгач, жамоа аъзоларининг аннотация юзасидан фикрлари тингланди. Муҳокама учун беш дақиқа вақт ажратилди.

VI босқич. Тадбир иштирокчилари томонидан энг яхши аннотацияларни

аниқлаш. Гуруҳлар томонидан тақдим қилинган аннотациялар бўйича муҳокамалар якунлангач жамоа улар орасидан энг оригинал, креатив характерга эга ижод маҳсулини танлади.

VII босқич. Ғолиб кичик гуруҳларни тақдирлаш. Тадбир сўнггида ижодий иши оригинал, креатив деб топилган аннотацияни тақдим этган гуруҳ тақдирланди.

Шундай қилиб, талабаларда ижтимоий муаммоларга нисбатан бепарқ бўлмастик, жамиятда ўзига хос долзарблик касб этаётган масалаларни ҳал қилишда фуқаро сифатида жонбозлик кўрсатиш каби сифатларни тарбиялашда ёзувчи К.Г.Паустовскийнинг "Эски қайиқ" ("Old boat") асари ҳам муҳим ўрин тутди. Асар мазмуни, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, ечим хусусида кичик гуруҳларда мунозараларни ташкил қилиш, бу борадаги ёндашувларини "рақиб" жамоалар эътиборига ҳавола қилиш жараёнида эса талабаларда яна бир муҳим сифат – коммуникатив фаоллик ривожланади. Тарбиявий мақсадга тўла эришиш талабалар фаолиятининг самарадорлигини таъминловчи методикани шакллантириш орқали ҳал қилинади.

References:

1. Блиц // <https://www.math-solution.ru/slang/906>.
2. Волков Л.А. Письменный фронтальный блиц-опрос как средство интерактивного обучения // <http://rirorzn.ru/publication/obzh/pismennyu-frontalnuu-blits-opros-kak-sredstvo-interaktivnogo-obucheniya>.
3. Константин Паустовский. Эски қайиқ (ҳикоя) // <https://ziyouz.uz/jahon-nasri/konstantin-paustovskiy/konstantin-paustovskiy-eski-qayiq-hikoja>.
4. Морозова Д.А., Морданова С.М. Теория и методика воспитательной работы / Учеб.пособие. – Костанай: Костанайский филиал ФГБОУ ВО Челябинский ГУ, 2019. – С. 22.
5. Паустовский Константин Георгиевич // <https://qomus.info/encyclopedia/cat-p/paustovskiy-konstantin-georgievich-uz>.



6. Паустовский, Константин Георгиевич // <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/76985>.
7. Usmonboyeva M., Aripova M., Mo'minova D. Ta'lim jarayonida interfaol metodlardan foydalanish. – T.: “Lesson Pres” nashriyoti, 2019. – 43-b.